*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2004 йил 11 сентябрь, шанба • №73 (11.668) • Эркин нархда сотилади

# Ватан спортчиларини шарафламоқда

**Қадим-қадимлардан спорт тинчлик даракчиси, спортчилар эса тинчлик элчиларининг тимсоли бўлиб келган. Афинада ўтган XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этган мамлакатимиз вакиллари ҳам Ўзбекистон довруғини жаҳонга таратиб, халқимизнинг тинчликка, барқарор ҳаётга бўлган интилишини намоён этдилар.**

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 9 сентябрь куни Оқсаройда Олимпиада ғолиблари, уларнинг устоз ва мураббийларини қабул қилиш чоғида спортчиларимизни юксак натижалар билан муборакбод этди. Бугун халқимиз Артур Таймазов ва Александр Дохтуришвилини Олимпиаданинг олтин медаллари, Магомет Иброҳимовни кумуш медал, Ўткирбек Ҳайдаров ва Баҳодир Султоновни бронза медаллари билан олқишламоқда. Бу улкан ютуқлар мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган жуда катта эътиборнинг самараларидир. Бугун Олимпиада майдонларида давлат байроғимиз остида мардона курашган ва ғолиблик шоҳсупаларига кўтарилган спортчиларимиз билан фахрланиб, халқимизнинг, мамлакатимизнинг имкониятлари жуда катта эканлигини ифтихор билан таъкидламоқдамиз.

Юртбошимиз Олимпиада ғолибларига Ватан шаъни-шавкатини юқори кўтариш йўлидаги хизматлари учун мамлакатнинг юксак мукофотларини топширди. Улар орден ва фахрий унвонлар билан тақдирландилар.

Афинада икки ҳафта давом этган ёзги Олимпиада ўйинлари иштирокчилари мамлакатимизга қайтиб келган кунлари Ўзбекистонда «кичик олимпиада» старт олди. Ўзбекистон талабаларининг «Универсиада-2004» спорт ўйинлари 4 сентябрь куни Самарқандда бошланди.

Талаба спортчиларимизнинг Наманганда ўтган биринчи ўйинларида 1778 йигит-қиз спортнинг тўққиз тури бўйича беллашган эди. Орадан икки йил ўтиб, Бухорода старт олган «Универсиада-2002» ўйинларида иштирокчилар 2300 дан ортиб кетди. Мусобақаларга спортнинг яна уч тури — сузиш, қўл тўпи, дзюдо қўшилди. Самарқандда бошланган учинчи анъанавий ўйинларда талаба спортчилар мини-футбол, оғир атлетика ҳам қўшилиб, спортнинг 14 тури бўйича куч синашишди. Ўз малакаси, маҳорати, сабот ва матонатини, иқтидори ва салоҳиятини намоён этгани 2800 талаба спорт майдонларига чиқди.

Самарқанднинг янгидан либос кийган спорт мажмуалари-

(Давоми 2-бетда).

## ЧЕХИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Чехия Республикаси Президенти Вацлав Клаус 2004 йил 12-15 сентябрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Ташриф чоғида икки мамлакат ҳамкорлигининг бугунги аҳволи ва истиқболлари муҳокама этилади, турли соҳаларда Ўзбекистон-Чехия муносабатларини чуқурлаштиришга қаратилган икки томонлама битимлар имзоланади.

# Олтин Прага ва нон шаҳри Тошкент

**Эртага Чехия республикаси Президенти Вацлав Клауснинг мамлакатимизга расмий ташрифи бошланади.**

Узоқ тарихи ва бой маданияти билан чех халқи миллий ўзлигини сақлаб қолган халқ сифатида бошқаларга ўрнак бўла олади. Чех қироллари тарихда Европа империяларини бошқарган. Чехлар бир неча аср илгари ўз давлатчилигини йўқотган бўлсада, доимо ўз тақдирларини ва келажакларини ўзлари белгилашга ҳаракат қилиб келганлар.

Биринчи жаҳон уруши даврида Австрия-Венгрия империяси парчаланиб кетиши натижасида Европа харитасида чехлар ва словакларнинг давлатлари вужудга келади. Ўн йилдан ошиқроқ давр ичида бу ерда мустаҳкам демократик анъаналар шаклланди, яратилган иқтисодий салоҳият эса мамлакатни дунёнинг

(Давоми 2-бетда).

**Халқаро бизнес-марказда Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда Ҳиндистон савдо-саноат палаталари федерацияси вакиллари қўшма бизнес-кенгашининг иккинчи мажлиси бўлиб ўтди.**

# Бизнес-кенгаш мажлиси

Унда вазирлик ва идоралар, қатор агентликлар, уюшмалар раҳбарлари, республикамиздаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари, шунингдек Ҳиндистоннинг «NEPC India LTD», «German Gardens LTD», «Jintan International», «Tata Motors LTD», «Ispat Karmet» ва бошқа йирик компанияларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар 38 та иқтисодий битим ва ҳужжатлар билан мустаҳкамланган қулай шартномавий-ҳуқуқий базанинг мавжудлиги билан белгиланади. Икки мамлакат ўртасида ўзаро манфаатли савдо муносабатлари ўрнатилган.

Мамлакатимизда Ҳиндистон иштирокида ташкил этилган корхоналар фаолиятининг асосий йўналишларини халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, дори-дармонлар тайёрлаш, қурилиш, сайёҳлик, савдосотиқ ва бошқа кўплаб соҳалар ташкил этади. Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми ўтган йилда 108,6 миллион АҚШ долларига тенг бўлди.

**Жамшид РАУПОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*• 2004 — Меҳр ва мурувват йили*

# Ҳамманинг ўз ўрни бор

**Мамлакат, жамият шундай маъвоки, унда ҳамма тенг. Миллати, ирқи, эътиқоди ва ижтимоий ҳолатидан қатъи назар ҳуқуқ ва эркинликлар барчага баробар. Мустақиллик инъом этган улуғ неъматлардан бири бу.**



Бирдамлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, қўйингки, инсонпарварлик фазилатлари билан йўғрилган ана шу тенгҳуқуқлилик, айниқса, ногиронлар, ёлғиз кексалар, қўл болали ва кам таъминланган оилаларга ҳамма ерда, ҳар куни кўрсатилаётган ғамхўрлик ва меҳр-мурувват тадбирлари тимсолида яққол намоён бўлмоқда.

Тошкент туманида ночор фуқаро ва муҳтож оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Юртбошимиз томонидан Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинган 2004 йилда ана шундай хайрия ишлари аниқ дастур асосида уюштириб келинмоқда. Ногирон ва муҳтож оилаларнинг фарзандлари учун катта арча ясатилиб, тўкин дастурхон атрофида ташкил этилган Янги йил байрами

(Давоми 2-бетда).

**ВИЛОЯТ** *ҳаёти*

# «Диққат: йўлда болалар!»

**Автомобиль йўлларида болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ёшларнинг бу борадаги билимларини янада мустаҳкамлаш мақсадида вилоят бўйлаб юқоридаги шиор доирасида тадбирлар ўтказилди.**

Зангиота туманида тадбирлар режалаштирилган ўн кунликни фаол ўтказишга катта эътибор қаратилмоқда. Туман ИИБ ходимлари маҳаллалар ва мактаблар бўйлаб ота-оналар ва ўсмирлар ўртасида тарғибот-ташвиқот учрашувларини уюштирмоқдалар. Мактабларда ўқувчиларга йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларидан махсус дарслар ўтказилмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

# Ногиронлар дона суришди

**Қибрайдаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида туманидаги ногирон ёшлар ўртасида шахмат-шашка мусобақаси ўтказилди.**

«Меҳр ва мурувват йили» дастури доирасида уюштирилган спорт тадбирига туман ҳокимлиги ҳамда қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳомийлик қилишди.

Ўзига хос муросасиз тус олган беллашувлар натижасига кўра С. Исенбетов, М. Ҳикматуллаев, К. Малюкина асосий совринларга эга бўлишди.

**Ш. РАҲМАТУЛЛАЕВ.**

# Сизнинг орзуларингиз — бизнинг қанотларимиз

**Мамлакатимиз пойтахтида «Уральские авиалинии» авиакомпаниясининг расмий ваколатхонаси очилди.**

Тошкент ваколатхонаси матбуот хизматининг хабар беришича, эндиликда Ўзбекистон ҳудудида мустақил равишда чипта сотишни ташкил этиш имконияти пайдо бўлди. Агар илгари йўловчилар Тошкент авиакассаларида компания чипталарини эркин сотиб ололмаган бўлса, энди ваколатхона авиакомпаниянинг агентлик тармоғини яратади ва ўз хизматларидан очиқ фойдаланиш имкониятини таъминлайди.

**В. НИКОЛАЕВ, ЎзА мухбири.**

# Машина теримига эътибор

**Далаларда мўл ҳосил етиштирган вилоят деҳқонлари оммавий йиғим-терим мавсумига пухта тайёргарлик кўрмоқда.**

Айни кунларда 80 минг гектардан ортиқроқ майдонда ғўза баргини сунъий тўктириш ишлари жадал давом этмоқда. Бу агротехник тадбирга Юқори-чирчиқ, Бўка, Пскент, Чиноз туманларида жиддий эътибор қаратилаётир.

Вилоят машина трактор парклари тасарруфидаги мавжуд 201 та «Кейс» русумли агрегат теримга шай. Уларни мавсумда бенуқсон ва унумли ишлатишнинг барча чоралари кўрилган. Комбайнчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга қаратилган тадбирлари ҳам ишлаб чиқилди.

**Неъмат ДУШАЕВ, ЎзА мухбири.**

# Олтин Прага ва нон шаҳри Тошкент

ривожланган давлатлари орасига олиб кирди.

Чехословакия Иккинчи жаҳон урушининг бошланишига қадар фашизм қурбони бўлган. Биз айтишимиз мумкинки, 1945 йил май ойида курашга отланган прагаликларга ёрдамга келганлар орасида бизнинг оталаримиз ва бобоаларимиз ҳам бўлганлар. Афсуслар бўлсинки, 1968 йилнинг августида «Прага баҳори»ни топтаган танкчилар орасида Ўзбекистондан хизматга чақирилган йигитлар ҳам бўлган.

Бу юртда тоталитаризм 80-йилларнинг охирларида қуролсиз ва қонсиз, демократик йўл билан барҳам топди. Бир неча йил ўтиб чехлар ва словаклар мавжуд муаммоларни бир бирини тушунган ҳолда ҳал қилишиб, яна бир марта жаҳонга намуна бўлишди. 1993 йил 1 январидан янги суверен давлат – Чехия Республикасининг тарихи бошланди.

90-йилларда Чехияда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилади ва бунинг натижасида мамлакат иқтисодий ривожланиш ва бозор ислоҳотлари жиҳатидан Марказий ва Шарқий Европа давлатлари ўртасида юқори мавқеларга эришди. Бир мисол: охирги ўн йил ичида Чехия иқтисодига киритилган сармоялар 40 миллиард долларга тенг бўлди. Шу йилнинг май ойида Европа Иттифоқининг тенгҳуқуқли аъзоси бўлган Чехия асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг ўсиб бориши давом этмоқда.

Мамлакат иқтисодий ютуқлари Чехиянинг ҳозирги Президенти Вацлав Клаус билан боғлиқ. Банкларда ва молия вазирлигида катта тажриба орттирган йирик иқтисодчи олим, 1992-1997 йилларда Бош вазир лавозимини эгалади. У Чехия иқтисодий ислоҳотларининг «отаси» ҳисобланади. Ҳукумат бошлиғи лавозимида доктор Клаус прагматик яратувчанлик тамойилларига амал қилиб, сиёсатчи учун хавфли бўлган монетаризмга қарам эмаслигини кўрсатди ва аниқ шароитлардан келиб чиқиб иш тутди.

Айтиш кераки, В.Клаус Ўзбекистонга ўзининг биринчи ташрифини Бош вазир сифатида 1997 йилда амалга оширган. Агар Президент Ислом Каримовнинг ўша йили январь ойида Чехияга амалга оширган ташрифи икки мамлакат ўртасидаги сиёсий мулоқотларни бошлаб берган бўлса, В.Клауснинг юртимизга ташрифи савдо-иқтисодий ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлади.

Ўзбекистонда Чехия корхоналарида ишлаб чиқарилган брендиларни азалдан яхши билишади. Биз чех матоларини ва пойабзалини киямиз, чех дори-дармонларидан фойдаланамиз ва чех пивосини истеъмол қиламиз. Кўпгина тошкентликлар чех машинасозлари ишлаб чиқарган ва шаҳар кўчаларида қатнаётган 90 дан ошиқ «Татра», 130 дан ошиқ «Шкода» троллейбусларидан фойдаланадилар. Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айланиши бир неча ўн миллион долларни ташкил этади ва шубҳа йўқки бу рақамлар яна ўсиб боради. Бугунга келиб республикада 30 дан ортиқ қўшма ёки юз фоиз чех капитали билан ишловчи корхоналар мавжуд. Президент Вацлав Клауснинг Ўзбекистонга ташрифи, юқори даражадаги келишув ва имзоланиши кутилаётган ҳужжатлар бизларнинг ҳам иқтисодда, ҳам бошқа муҳим соҳалардаги ўзаро муносабатларимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Чунки бугунги иккитомонлама алоқаларимиз асосида нафақат иқтисодий манфаат ва фойда, балки азалдан синалган бир бирига бўлган ўзаро хайрихоҳлик ётади.

**Олег ШАТУНОВСКИЙ,**
**«Жаҳон» АА.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# Ватан спортчиларни шарафламоқда

да 230 та олтин, 230 та кумуш, 251 та бронза медали учун қизғин кураш борди. Тошкент Давлат аграр университетининг 101, Ангрен Давлат педагогика институтининг 64 талабаси 4-7 сентябрь кунлари қадимий Самарқанднинг турли спорт майдонларида вилоятимизнинг спорт шарафини ҳимоя қилишди. Енгил атлетикачиларимиз мусобақаларни умумжамоа ҳисобида муваффақиятли якунлаб, биринчи ўринни эгаллашди. Кураш ва дзюдочиларимиз иккинчи ўринларга, сузувчиларимиз бешинчи ўринга кўтарилиб, яхши натижаларга эришишди. Умумжамоа ҳисобида эса, Тошкет вилояти талаба спортчиларига фақат тўққизинчи ўрин насиб этди. Тошкент Давлат аграр университети спортчилари жами 43 та, эстафеталар билан қўшиб ҳисобланганда 68 та медални қўлга киритишди. Енгил атлетикачи Руслан Алимов ғоят юксак маҳоратини намойиш қилиб, 2 та олтин, 2 та кумуш медални қўлга киритди. Спортнинг шу тури бўйича Диана Двумаки 2 та олтин, Леонид Андреев эса битгадан олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритишди.

Ёзги олимпиада ўйинлари иштирокчиси — сузувчи Саида Искандарова Афинадан тўғри Самарқандга келди десак, муболаға бўлмас. У турлича сузиш бўйича «Универсиада-2004» мусобақаларида ҳам юксак натижаларни намойиш қилди ва 2 та олтин, битта кумуш, 2 та бронза медалларини қўлга киритишга муваффақ бўлди. Ёш спортчимиз Елена Лисицкая ҳам Самарқанддан 2 та олтин, битта кумуш, 2 та бронза медал билан қайтди. Афинада ўтган Олимпиада мусобақаларининг яна бир иштирокчиси Олег Ряшко Самарқандда ўтган спорт ўйинларида юксак натижаларга эришиб, 2 та олтин, битта бронза медалларини қўлга киритди.

«Универсиада-2004»да иштирок этган вилоятимиз талаба спортчилари миллий кураш, дзюдо, теннис, шахмат мусобақаларида ҳам юқори натижаларга эришишди.

Талаба спортчиларнинг анъанавий мусобақалари якунланди. Бугун мутахассислар, спорт мураббийлари, бошқа мутасадди ташкилотлар унинг натижаларини таҳлил қилишмоқда. Шу асосда мамлакат талаба спортчиларининг навбатдаги мусобақаларига тайёргарлик дастурлари ишлаб чиқилади. Келгуси икки йил жуда қизғин палла бўлиши бугундан маълум. Чунки «Универсиада-2006» Тошкентда ўтади. Бу эса ҳаммага — мураббийларга ҳам, талаба спортчиларга ҳам катта-катта талаблар қўяди, юксак масъулият юклайди. Зеро, улар вилоят шарафини ҳимоя қилиш учун мамлакат пойтахти стадионларига чиқишади.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

● *2004 — Меҳр ва мурувват йили*

# Ҳамманинг ўз ўрни бор



тантаналари 8 март, Наврўз, Хотира ва Қадрлаш куни тадбирлари билан давом эттирилди. Йилнинг ўтган саккиз ойи давомида ногиронлар, ёлғиз кексалар ва муҳтож оилаларга жами 3,5 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Мустақиллик байрами муносабати билан ташкил этилган тадбир, айниқса, файзли ўтди. Туман ҳокимлигининг ташаббуси билан «Шоҳруҳ» тўйхонасида уюштирилган ушбу тадбирда 12 та ногиронлар аравачаси, 45 та эшитиш аппарати муҳтожларга совға қилинди.

— Мен ўз касбимни жуда севардим, — дейди 4-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Наргиза Алимова. — Йигирма йил болаларга дарс бердим. Лекин, афсуски, кейинги пайтларда оғир ҳасталик сабабли эшитиш қобилиятим пасайиб, ишдан кетишга мажбур бўлдим. Аммо, мен ўзимни ҳеч қачон ёлғиз ва ночор сезмадим. Туманимизда меҳр-мурувват ишлари яхши йўлга қўйилган. Кўпчилик қатори менга ҳам эшитиш аппарати совға қилишди. Энди ажабмаски, севган касбимга яна қайтсам.

Тантана давомида туман ҳокимлиги, ижтимоий таъминот ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлимлари шаънига 4 миллион 385 минг сўмлик хайр-мурувват учун самимий миннатдорлик сўзлари янгради.



*СУРАТЛАРДА: меҳр-мурувват тадбиридан лавҳалар.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

● *Кучли давлатдан — кучли жамият сари*

# Сўраган эдингиз

***Округ сайлов комиссияси ким томонидан тузилади?***

***Шукур Усмонов, Хонобод қишлоғи.***

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади.

Халқ депутатлари кенгашлари депутатлигига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари эса тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Бу ишлар сайловга камида 70 кун қолганида якунланиши керак. Марказий сайлов комиссияси сайлов округлари рўйхатини уларнинг чегаралари ва сайловчилар сонини кўрсатган ҳолда сайловга 75 кун қолганида эълон қилади.

* * *

***Қонунчилик палатасига сайловларда иштирок этиши учун сиёсий партия қанча имзо тўплаши зарур?***

***Комил Раҳимов, Бекобод.***

Бу «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддасида кўзда тутилган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир сиёсий партия сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида эллик минг сайловчининг имзосини тўплаши зарур. Бунда, маъмурий-ҳудудий тузилмалардан бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) сиёсий партия 50 минг сайловчининг кўпи билан саккиз фоиз имзосини тўплайди.

# Алишув дастурлари

**Тошкентдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси 2005 йил алишув дастурларини эълон қилди.**

Ўзбекистон таълим муассасалари ва матбуот вакиллари учун уюштирилган қабул маросимида АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жон Пурнелл АҚШ ҳукумати томонидан молиялаштирилаётган 2005-2006 академик йилидаги алишув дастурларига Ўзбекистонда қабул жараёни бошланганини эълон қилди. Сўнгги 13 йил давомида 2910 нафар Ўзбекистон фуқароси АҚШга сафар қилиб, бу каби таълим ва тренинг алишув дастурларида иштирок этган.

Элчихонанинг Жамоатчилик билан алоқалар бўлими, Америка халқаро таълим кенгаши (ACCELS) ва Халқаро тадқиқот ва Олимлар Айирбошлаш кенгаши (IREX) вакиллари қабул маросимига келган меҳмонлар билан учрашиб, уларга алишув дастурларида мавжуд бўлган имкониятлар ва уларда иштирок этиш жараёни ҳақида тушунтириб беришди.

**Алоуддин ҒАФФОРОВ, «Туркистон-пресс».**

# Лизинг – тадбиркорлар ҳомийси

**Маҳаллий хом ашё асосида маҳсулот ишлаб чиқараётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини амалга оширишда лизинг хизматининг аҳамияти катта.**

«Осиё-Европа траст» компанияси ана шундай лойиҳаларни рўёбга чиқариш мақсадида етти ярим миллион АҚШ доллари миқдоридаги технологик линияларни жалб қилди. Бунинг натижасида четдан валютага олиб келинаётган ўттиздан зиёд турдаги маҳсулотни маҳаллийлаштиришга эришилди.

– Ушбу маблағ ҳисобидан тадбиркорларга полиэтилендан пакетлар тайёрлаш ва мармарни қайта ишлаш ускуналари етказиб берилди, – дейди компания бош директори Марат Ҳакимов. – Айни вақтда замонавий мактаб бинолари ва касб-ҳунар коллежлари, спорт мажмуаларига қурилиш материаллари тайёрлайдиган корхоналарга ҳам ўн турдаги зарур техника топширилди.

**ЎзА.**

# Ҳарбий қисмга экскурсия

**Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қибрай туман кенгашлари, туман ҳокимлигининг вояга етмаган ёшлар билан ишлаш комиссияси ҳамкорликда коллеж талабаларининг ҳарбий қисм аскарлари билан учрашувини ўтказишди.**

Ҳарбийлар ва ўсмирлар ўртасида профессионал армияни шакллантириш, ҳарбий ислоҳотлар Қуролли кучларга қандай янгиликлар олиб кираётганлиги хусусида фикр юритилди. Чинкелди маиший хизмат, Оққовоқ агротижорат, Қибрай молия-иқтисодиёт коллежларининг ўқувчилари бу учрашув давомида ҳарбий техника, қурол-яроғ ва ўқув-моддий база билан таништирилди. Ҳарбий қисмнинг «Маънавият ва маърифат» хонасида қўмондон ўринбосари Баҳриддин Сафаров ёшларга аскарлар ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий тарбия ишлари ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Учрашув коллеж ўқувчиларининг аскарлар билан дўстона ҳарбий-спорт мусобақалари билан якунланди. Ўсмирлар автоматни қисмларга ажратиш ва йиғиш машқларини кузатиб, уни ўзлари мустақил бажаришди.

— Ҳарбийлар билан коллежларимиз ўқувчиларининг бу учрашуви ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, уларни Ватан олдидаги фарзандлик бурчини адо этишга тайёрлашда катта аҳамият касб этмоқда, — дейди мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти туман кенгашининг раиси Ҳошимбой Каримов. — Биз келгусида мактабларнинг юқори синф ўқувчилари учун ҳам ҳарбий қисмларга шундай экскурсиялар ташкил этишни режалаштиряпмиз.

**Ўз мухбиримиз.**

# Ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда

**«Bumi International Tashkent» меҳмонхонасида мамлакатимиз корхоналари, ташкилотлари, тадбиркорлик тузилмалари вакиллари ҳамда Россия Федерацияси Урал минтақаси Савдо-саноат палатаси делегацияси аъзолари ўртасида мулоқот биржаси бўлиб ўтди. Учрашувни Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ташкил этди.**

Делегация таркибида Россиянинг Урал минтақасидаги ўн тўққизта етакчи корхона раҳбарлари ва вакиллари бор. Булар нефть-газ, кимё, мудофаа, металлургия саноати, энергетика, машинасозлик, қайта ишлаш ва тайёрлов, тиббиёт, геодезия, электромеханика тармоғи, асбобсозлик корхоналаридир.

Бу галги учрашув иккинчиси бўлди. Биринчи учрашув 2001 йил сентябрда ўтказилиб, унда Урал ва Ўзбекистон тадбиркорлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланган эди.

Алоқа биржасидан ташқари делегация аъзолари учун вазирликлар, идоралар, республикамизнинг йирик корхона ва компаниялари ходимлари билан учрашувлар ташкил этилди.

**Ж. РАУПОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# «Ҳосил байрами — 2004»

**Ўлкамизда «очил дастурхон»ини ёзиб, сахий куз кезмоқда. Ҳар фаслнинг ўз хислати бор деганларидек, ҳозир мамлакатимизнинг сабзавот майдонларида, боғу токзорларида ғарқ пишиқчилик.**



Бу йил дала ва боғларда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосили ҳар қачонгидан мўл ва сархил бўлди. Тошкент шаҳри, вилоят ва туманларнинг марказларидаги деҳқон бозорлари турли-туман ва сара ноз-неъматларга тўла. Бу мавсум Тошкент вилояти дала меҳнаткашлари ва боғбону соҳибкорлари учун, айниқса, баракали келди. Айни кунларда улар вилоятнинг Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ, Бекобод шаҳарлари аҳолисининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжларини тўла-тўкис қондирмоқдалар.

Таъкидлаш жоизки, вилоят меҳнат аҳли бу билан кифояланиб қолмай, тошкентликларга ҳам кўплаб сара маҳсулотлар етказиб бериш мақсадида қўшимча имкониятларни ишга солмоқда. Хусусан, вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан пойтахтдаги «Ўзкўргазмасавдо» республика ярмарка-савдо марказида «Ҳосил байрами — 2004» тадбири ташкил этилди. Вилоятнинг 15 туманидаги ширкат ҳамда фермер хўжаликлари ярмарка пештахталарини дала ва боғ неъматлари билан тўлдиришда фаол иштирок этди. Тошкентликларга жами 250 тонна сабзавот, 235 тонна полиз маҳсулотлари, 200 тонна мева-узум, 50 тонна картошка, 10 тонна дон, турли гўшт ва сут, 16 минг донадан зиёд консерва маҳсулотлари етказиб берилди. Ушбу ноз-неъматларнинг деҳқон бозорларидагига нисбатан 20-30 фоиз арзон нархда сотилгани пойтахтликларни, айниқса, мамнун этди.

***Суратларда:** ярмарка савдосидан лавҳалар.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**




• *Қарор ва ижро*

**Дўконлар ва бозорлардаги маъмурчилик кўп жиҳатларга боғлиқ. Аввало мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқариладиган товарлар савдога кўпроқ чиқарилиши керак.**

# Бозор тартибга тушади

Иккинчи жиҳат — хориждан келтириладиган товарларнинг сифатлилиги, арзонлиги билан боғлиқ. Кейинги йилларда якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланувчи фуқаролар — четдан товар олиб келувчиларнинг фаолиятини тартибга солиш борасида бир қатор чора-тадбирлар кўрилди. Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шу йил 12 августда қабул қилган «Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор муҳим аҳамият касб этмоқда. Вилоят Давлат солиқ бошқармаси матбуот хизматининг маълум қилишича, шаҳар ва туманларда шу қарордан келиб чиқадиган вазифалар хусусида кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Эндиликда юридик шахс бўлмасдан туриб, экспорт-импорт операциялари ва чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқини олиш учун якка тартибдаги тадбиркор сифатида ҳам рўйхатдан ўтиш мумкин. 2004 йилнинг 1 сентябридан бошлаб четдан товар олиб келувчи якка тартибдаги тадбиркорларни ана шундай давлат рўйхатидан ўтказиш бошланди.

Ҳозир ҳамма ерда ана шу қарорда белгиланган вазифаларни тўлиқ амалга ошириш чоралари кўрилаётганлиги семинар ва учрашувларда таъкидлаб ўтиляпти. Шунингдек, солиқ идоралари ходимларининг эътибори «эркин муомалага чиқариш» тартибида расмийлаштирилган божхона юк декларацияси, мувофиқлик сертификатлари мавжуд бўлиб, божхона ва бошқа тўловлар тўланган тақдирда якка тадбиркорларнинг фақат ўзлари бевосита олиб келган импорт товарларини буюм бозорларида эмин-эркин сотишлари мумкинлиги масаласига қаратиляпти. Тижорат фаолияти учун хориждан товарлар олиб келаётган якка тадбиркорлар 1 ноябргача яшаш жойларидаги туман ёки шаҳар солиқ инспекцияларида рўйхатдан ўтишлари керак бўлади. Уларни давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида энг кам ойлик иш ҳақининг беш баробари миқдорида рўйхатдан ўтказиш йиғими ундирилади.

Вазирлар Маҳкамаси қарорини аҳолининг кенг қатламлари, айниқса, якка тадбиркорларга тушунтириш мақсадида бевосита мулоқотлар ташкил этиляпти. Айниқса, вилоят, шаҳар ёки туманларда шу мақсадда ташкил этилаётган амалий семинарлар, савол-жавоб соатлари солиқ идоралари ходимлари билан учрашувлар яхши самара бермоқда.

# Наслчилик билан ҳамма шуғулланиши керак

## Ана шунда моллар зоти яхшиланади, маҳсулдорлиги ортади, чорвачилик сердаромад соҳага айланади

Кейинги йилларда бошқа тармоқлар қатори чорвачиликда ҳам ислоҳотларнинг изчил амалга оширилиши, эркин иш юритиш имконияти яратилаётгани яхши самара бермоқда. Хусусан, наслчилик соҳасини ривожлантириш учун зарур ҳуқуқий ва амалий асосларнинг ишлаб чиқилгани айни муддао бўлди. Бу йўналишда энг муҳим ҳужжат 1995 йил 2 декабрда эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Наслчилик тўғрисида»ги Қонунидир.

Унинг асл моҳияти наслчилик ресурсларини яратиш, сақлаш, такрор кўпайтириш ва улардан фойдаланишдир. У бевосита наслчилик-селекция ишлари билан шуғулланувчиларни ҳимоя қилади ва наслчиликни ривожлантиришга ёрдам беради.

Вилоятимиз мисолида қаралса, бугунги кунда 21 та ширкат, 14 та фермер, 3 та тажриба ва 3 та ёрдамчи хўжалик, 5 та акциядорлик жамиятида наслчилик билан шуғулланилади. Уларда қорамолларнинг қора-ола, Голланд, Бушуев ва Швиц зотлари, қўйларнинг ярим дағал ва майин жун берувчи «Ўзбекистон» ва жайдари зотлари, отларнинг «Англоахалтекин» ва қорабайир, чўчқаларнинг йирик ландрас зотлари, паррандаларнинг «Ўзбекистон» кросслари, балиқларнинг «Оқ Амур», «Оқ дўнгпешона» ва «Ўзбекистон-5», «Ўзбекистон-6», «Нишонланган-1» ва «Нишонланган-2» зот ва дурагайлари урчитилмоқда.

Қорамолчиликда 47 та наслчилик хўжалигининг 5 тасига давлат наслчилик заводи, 7 тасига давлат наслчилик хўжалиги, 23 тасига давлат наслчилик фермалари ва 11 тасига наслчилик фермер хўжаликлари мақоми берилган. Фермер хўжаликларида наслчилик ишларига эътибор йил сайин ошиб бормоқда. «Солих», «Осиё-40», «Хонтемир» ва «Абдулла» каби фермер хўжаликлари жаҳондаги қимматли генофонддан фойдаланиш мақсадида чет эл сармояларини жалб қилиб, наслчилик ишларига катта аҳамият беришмоқда. Барча наслчилик хўжаликларида молларнинг зотдорлик ва маҳсулдорлик сифатларини ошириш мақсадида сунъий урчитиш ишларига эътибор кучайтирилмоқда.

Жумладан, вилоят хўжаликларида 1985 йилдан бери қора-ола зотли молларни Голштинлаштириш, Швиц зотини Австрия қўнғир зоти билан такомиллаштириш баробарида 2001 йилдан бошлаб, Германия техник ҳамкорлик маркази орқали олиб келинаётган юқори маҳсулдор зотларга мансуб буқаларнинг музлатилган уруғларидан кенг фойдаланилмоқда.

Германиядан келтирилган уруғдан 1760 бош сигир урчитилиб, шу кунга қадар улардан 515 бош қони янгиланган наслли бузоқлар олинди.

Вилоят наслчилик хўжаликларида зотдор насл маҳсулотлари етиштирилаётганини таъкидлаш билан бирга ундан оқилона фойдаланиш масаласи ҳанузгача муаммо бўлиб қолаётганини эътироф этиш жоиз.

Сабаби наслли моллар, айниқса, урғочи моллар ширкат ва фермер хўжаликлари томонидан сотиб олингандан сўнг, уларни наслини янада яхшилашга бирламчи вазифа деб қаралмаётир. Сигирларни қочиришда сунъий урчитиш қўлланмай, насл-насаби номаълум ва наслли гувоҳномага эга бўлмаган буқалар жалб этилмоқда. Бундай ҳолат яратилган қора-ола зот генофондига путур етказмоқда. Айрим ҳолларда қон-қариндошликка йўл қўйилиши наслли молларнинг энг фойдали ирсий белгилари йўқ бўлиб кетишига олиб келмоқда.

Чорвачиликни сердаромад соҳага айлантириш учун ширкат, фермер ва бошқа хўжаликлар молларнинг юқори маҳсулдорлик бўйича ирсий қобилиятларини изчил ўстириб боришга эътиборни кучайтириши лозим. Наслчиликнинг ривожланиши 70 фоиз озуқа таъминотига боғлиқ бўлгани боис, молларни тўлиқ рацион асосида озуқлантириш талаб этилади.

Чорвачилиги ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш давомида шу нарса маълум бўладики, наслчилик ва селекция ишлари билан мулкчилик шаклидан қатъи назар барча хўжаликлар шуғулланади. Шундан келиб чиқиб наслчиликнинг ўзагини ташкил этувчи сунъий урчитишни барча тоифадаги хўжаликларда олиб боришни йўлга қўйиш, аҳолидаги молларни қочириш учун зооветпункт шоҳобчалари фаолиятини янада жонлантириш зарур.

**Бахтиёр СОЛИБОЕВ,**
**вилоят чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекцияси бошлиғи, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.**

# Сафарингиз кўнгилли ўтсин



**Ўзбекистон фуқароларининг мамлакатдан чиқиш ва чет элда юриш қоидалари қандай ҳужжатларга асосланади?**

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон жаҳонга юз тутди. Бугун ўзбек йигит-қизлари хорижнинг олиймақом ўқув юртларида таҳсил олмоқдалар, саноатчи ва тижоратчиларимиз етти иқлим мамлакатларида савдо-сотиқ билан машғул. Таътилни хорижда ўтказувчилар, сайру саёҳат ишқибозлари, хизмат юмушлари билан чет элларга бориб келаётган юртдошларимиз қанча.

Лекин, кўп ҳолларда мана шундай сафарларни тўғри ташкил этишга кам эътибор берамиз, олдиндан ҳужжатларни тўғри расмийлаштириб олмаймиз. Натижада кўпдан-кўп оворагарчиликлар, гоҳида эса кўнгилсизликларга дуч келамиз. Бундай ўйлаб қаралса, ана шу ҳолатларнинг ҳаммаси биз ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни яхши билмаслигимиз, хорижга чиқишга оид ҳужжатларни расмийлаштириш қоидаларидан хабардор эмаслигимиз оқибатидир. Ҳолбуки, давлатимиз олис-яқин мамлакатлар билан фуқароларнинг ўзаро бориш-келиш тартибларини аллақачон тегишли битимлар билан қонунлаштириб қўйган. Гап фақат амалий ёки бошқа мақсадлардаги сафарларга тааллуқли шахсий ҳужжатларни олдиндан тўғри расмийлаштириб олишда, холос.

Хўш, Ўзбекистон фуқаролари хоҳ хусусий, хоҳ давлат юмушлари билан ўзга мамлакатларга отланаётиб, қандай ҳужжатларни олдиндан тайёрлаб қўйишлари керак? Ёки қандай ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет мамлакатларга чиқиш, хорижда эмин-эркин ҳаракат қилиш ҳуқуқларини беради? Масалан, чет элларда дипломатия хизматларини адо этувчи ходимлар қандай ҳужжатга асосан сафарга отлана оладилар?

Ўзбекистон Республикасининг тегишли хорижий давлат визалари бўлган дипломатик паспорти уларнинг чет мамлакатлардаги дахлсизлиги ва бемалол юриш-туришини таъминлайди. Фақат бунинг учун фуқаро ўзи бораётган давлатнинг бу сафарга рухсат берганлигини ёки ўша давлат визасини (гуруҳ таркибидаги сафар чоғида) ўз паспортига олдиндан қайд қилдиртириб олиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг мамлакатдан чиқишга рухсат берувчи белги қайд қилинган фуқаролик паспорти ҳам хорижга чиқиш ҳуқуқини беради. Маълумки, кўпгина юртдошларимиз олис-олис мамлакатларга дам олишга отланиб, халқаро сувларда туристик сафарларни ташкил этувчи кемаларда саёҳат қилишни ёқтиришади. Халқаро сувларда сузиб, чет эл портларига кириб ўтувчи ноҳарбий кемаларнинг экипаж аъзолари учун кема роли хорижга сафар қилиш имконини беради.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси турли мамлакатлар билан тегишли битимлар тузиб, халқаро ҳаво йўлларини очган. Ҳозир мамлакатимизнинг фуқаро авиацияси учувчилари ва хизматчилари учун ҳам ҳужжатларни расмийлаштиришнинг тегишли тартиби белгиланган. Айтайлик, Ўзбекистон ҳаво лайнери муайян мамлакат шаҳарларидан бирига отланаётир. Бу ҳолатда парвоз топшириғи ва фуқаролик паспорти учувчи ҳамда хизматчиларнинг чет мамлакат ҳудудида парвозни бемалол ўтказишлари учун асос бўлиб хизмат қилади. Фақат Ўзбекистон Республикаси шу давлат билан халқаро парвозларни амалга ошираётган самолёт экипажлари аъзоларининг визали ёки визасиз парвоз қилиш тартиби белгиланган битимда кўзда тутилган қоидага биноан паспортда тегишли хориж давлатининг визаси қўйилган ёки қўйилмаган бўлиши керак.

Биласизки, Ўзбекистон темир йўлчилари хизмат чоғида қўшни мамлакатларнинг чегараёни ҳудудларидан ўтиб, ўша жойлардаги темирйўл станцияларида бўлишади. Бундай ҳоллардаги ҳаракат тартиби Ўзбекистон Республикаси шу қўшни мамлакат билан чегараёни темирйўл ҳаракати ҳақида тузган шартномага биноан амалга оширилади. Шу сабаб йўлга чиқаётган поезд хизматчилари номма-ном ёзилган рўйхат ёки поезднинг йўналиш ҳужжати билан бирга хизмат гувоҳномасига ҳам эга бўлишлари керак. Халқаро поезд (вагон)нинг хизматчилари учун ходимларнинг номма-ном рўйхати ва тегишли хорижий давлат визаси қўйилган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти асосий ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Ҳозир Ўзбекистон ҳарбий хизматчиларининг гуруҳлари давлатлараро ҳарбий машқларда иштирок этмоқда, бошқа хизмат юмушлари билан хорижга чиқмоқда. Бундай ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан берилган йўриқнома(буйруқ)га мазкур гуруҳ таркибига киритилган ҳарбий хизматчиларнинг рўйхати илова қилинади. Бу рўйхатни қисм командири имзолайди. Гербли муҳр туширилган бундай рўйхат ҳақиқий ҳужжат ҳисобланади. У гуруҳ раҳбарининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатга қўшиб сақланади. Бундай гуруҳ рўйхатига киритилган ҳарбий хизматчининг ҳар бири эса ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлиши шарт.

Юқоридаги талаблар бажарилиб, белгиланган қонун-қоидаларга риоя қилинган тақдирда, Ўзбекистон Республикасидан чиқиш, олис-яқин мамлакатларда хизмат юмушлари, бошқа сафарлар ва савдо-тижорат билан шуғулланиш чоғида асло кўнгилсиз ҳолатларга тушилмайди.

Бундан ташқари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларига сафарлар чоғида мамлакатдан чиқиш ва мамлакатга қайтиб келиш тартибларини белгиловчи икки томонлама муайян битимлар ҳам амал қилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ҳамда Тожикистон Республикаси ҳукуматлари ўртасида фуқароларнинг ўзаро бориш-келишлари тўғрисида 2000 йилнинг 16 майида имзоланган битимга биноан олти хил ҳужжат Тожикистонга эркин чиқиш ҳуқуқини беради. Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспорти, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (16 ёшга тўлмаган болалар битимнинг 5-моддаси амал қиладиган фуқароларнинг фарзандлари учун), самолёт экипажи аъзосининг гувоҳномаси (экипаж таркибидаги парвоз чоғида), Ўзбекистон Республикасига қайтиш учун берилган гувоҳнома, ҳукуматлараро фельдъегер хизмати ходимининг гувоҳномаси шундай ҳужжатлар ҳисобланади.

Қозоғистон Республикасига чиқиш ҳуқуқини берадиган ҳужжатлар мажмуаси тасдиқланган битим Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ҳукуматлари томонидан 2000 йилнинг 7 июлида имзоланиб, 2003 йилнинг 26 июнида кучга кирган эди. Ўзбекистон Республикаси дипломатик паспорти, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспорти, самолёт экипажи аъзосининг гувоҳномаси (экипаж таркибидаги парвоз чоғида), Ўзбекистон Республикасига қайтиш учун берилган гувоҳнома, ҳукуматлараро фельдъегер хизмати ходимининг шахсий гувоҳномасининг ҳар бири Ўзбекистон фуқароси учун Қозоғистонга бориш-келиш ҳуқуқини беради.

2000 йилнинг 2 июлида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Қирғизистон Республикаси ҳукумати билан фуқароларнинг ўзаро бориб-келиши тўғрисидаги битимни имзолади. Бу битим ўша йилнинг 2 августида кучга кирган эди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси дипломатик паспорти, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспорти, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (16 ёшга тўлмаган болалар учун), Ўзбекистон Республикасига қайтиб келиш учун берилган гувоҳнома мамлакатимиздан чиқиш ёки мамлакатимизга қайтиб келиш ҳуқуқини бериши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Туркманистон ҳукумати 1999 йил 6 ноябрда фуқароларнинг ўзаро бориш-келиши тўғрисидаги битимни имзолашди. Бу битим ўша йили 21 ноябрда кучга кирди. Унга кўра, етти ҳужжатдан бирига эга бўлган шахс Туркманистонга бориб, ўз юмушларини бажариб келиши мумкин. Улар дипломатия паспорти, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспорти, собиқ СССР фуқаросининг 1974 йил намунасидаги фуқаролик паспорти (унда 1992 йилнинг 28 июли ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаши қайд қилинган белги бўлиши ёки Ўзбекистон Республикаси ваколатли органлари томонидан 1992 йил 28 июлдан кейин берилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаши қайд қилинган белги бўлган паспорт (2000 йилнинг 1 январигача), туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома (16 ёшга тўлмаган болалар учун), самолёт экипажи аъзосининг парвоз гувоҳномаси (экипаж таркибидаги парвоз чоғида), Ўзбекистон Республикасига қайтиб келиш учун берилган гувоҳнома (фақат Ўзбекистон Республикасига қайтиб келиш учун) ёки ҳукуматлараро фельдъегер хизмати ходимининг шахсий гувоҳномасидан иборат.

Россия Федерациясига бориш-келиш икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида фуқароларнинг ўзаро бориб-келиши тўғрисида 2000 йилнинг 30 ноябрида имзоланган битим билан белгилаб қўйилган Ўзбекистон Республикаси дипломатия паспорти, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспорти, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома (16 ёшга тўлмаган болалар учун; фақат уларнинг қонуний вакиллари кузатувида), шахсий гувоҳнома, сафар гувоҳномаси ёки таътил гувоҳномаси (йўриқномаси) бўлган тақдирда ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчининг ҳарбий билети; самолёт экипажи аъзосининг парвоз гувоҳномаси (парвоз топшириғида тегишли қайд бўлган парвоз чоғида), темир йўл транспорти ходимининг шахсий гувоҳномаси (поезд ёки рефрежератор бригадалари таркибидаги сафар чоғида), Ўзбекистон Республикасига қайтиш учун берилган гувоҳнома (фақат Ўзбекистон Республикасига қайтиш учун) сафарлар ҳамиша кўнгилли ўтишини таъминлайди.

Украина ва Ўзбекистон фуқароларининг ўзаро бориб-келиши тўғрисида ҳам 2000 йилнинг 12 октябрида алоҳида битим имзоланган. Бу битим ўша йилнинг 12 ноябрида кучга кирган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспорти, дипломатия паспорти, самолёт экипажи аъзосининг парвоз гувоҳномаси (парвоз топшириғида тегишли қайд мавжуд бўлган ҳолда), Ўзбекистон Республикасига қайтиб келишга берилган гувоҳнома (фақат Ўзбекистон Республикасига қайтиб келиш учун), туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома (16 ёшга тўлмаган болалар учун; фақат уларнинг қонуний вакиллари кузатувида) Украинага бориб келиш ҳуқуқини таъминлайди.

**Ю. ЖУМАНИЁЗОВ.**

● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport

Футбол

## Футболчиларимиз гуруҳ пешқадами

**Германияда 2006 йили ўтказиладиган жаҳон чемпионатига йўлланма олиш учун саралаш мусобақалари давом этмоқда. Ўзбекистон миллий терма жамоаси Қатар пойтахти Доха шаҳридаги ўйингоҳда фаластинликлар билан баҳс юритди.**

Миржалол Қосимов 26-дақиқада ҳисобни очишга эришди. Беш дақиқадан сўнг Сервер Жепаров ҳисобни 2:0 га етказди. Танаффусдан сўнг ҳам футболчиларимизнинг устунлиги сезилиб турди. Ўйин тугашига ўн дақиқа қолганда Марат Бикмаев фаластинликлар дарвозасига учинчи тўпни киритди. Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўз ҳисобидаги очколар сонини 10 тага етказиб, гуруҳда пешқадам бўлиб олди.

Мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаси Японияда ўтказилаётган Осиё чемпионатида учинчи учрашувни ўтказди. Биринчи ўйинда Бангладеш билан 1:1 ҳисоби қайд этилган бўлса, иккинчи учрашув Ирок терма жамоасига 4:1 ҳисобида бой берилди. Учинчи учрашувни вакилларимиз гуруҳ пешқадами Қатар терма жамоаси билан 2:2 ҳисобида дуранг натижа билан якунладилар.

**Талъат ЮСУПОВ.**

## Теннисчиларимиз чорак финалда

**Тошкент теннис марказида XXXII Осиё чемпионати давом этмоқда.**

Эркаклар ўртасида ҳамюртимиз Дмитрий Мазур Хитой Тайпейи вакили Ти Ченни 6:3, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратиб, чорак финалга йўлланма олди.

Жуфтлик ўйинларда эса Мурод Иноятов ҳамда Денис Истомин таиландлик Ануват Далодом ва вьетнамлик До Минх Куанни 6:2, 6:2 ҳисобида доғда қолдириб, кейинги босқичга кўтарилди.

Мусобақа якунлари – келгуси йили ўтадиган Австралия очиқ чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган Wild Card совриндорлари 12 сентябрь куни маълум бўлади.

**Холмурод САЛИМОВ, ЎзА.**

# ДИҚҚАТ, ЎЗГАРТИРИШ!

## «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 2004 йил 18 августдаги 67-сонида босилган

2. Тошкент вилояти прокуратурасига қарашли, «Фиат темпра» русумли, давлат рақами 10 AV 877, 1993 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси — 1 390 400 сўм жумласи**

**Қуйидагича ўқилсин:**

Тошкент вилояти прокуратурасига қарашли, «Фиат темпра» русумли, давлат рақами 10 AU 877, 1993 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси — 1 390 400 сўм.**

## «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 2004 йил 21 августдаги 68-сонида босилган

1. Давлат божхона қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармасига қарашли, «ВАЗ-2109» русумли, давлат рақами 10 AE 115, 1993 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси — 499 900 сўм жумласи**

**Қуйидагича ўқилсин:**

Давлат божхона қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармасига қарашли, «ВАЗ-2109» русумли, давлат рақами 10 AE 115, 1993 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси — 930 000 сўм.**

*«RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI TOSHKENT VILOYATI BO'LIMI» МЧЖ.*

# ПАХТАКОРЛАР ХИЗМАТИГА ШАЙМИЗ!

## «Toshkent Regional Trading» (Тошкент вилоят савдо) акциядорлик компанияси

**ҳашарчи корхона, ташкилотлар, ширкат ва фермер хўжаликларига пахта йиғим-теримида иштирок этувчилар учун ўзининг Тошкент шаҳридаги ҳамда вилоят шаҳар ва туманларидаги улгуржи савдо омборларидан пул ўтказиш йўли билан чекланмаган миқдорда ун, гуруч, ўсимлик ёғи, гўшт консервалари, қанд, макаронлар, ёрмалар, қуюлтирилган сут, сариёғ, туз, хўжалик совуни ва бошқа маҳсулотларни етказиб беради.**

**Омбор ва омбор-дўконларнинг манзиллари:**

— Тошкент ш. Марказий улгуржи омбор;
— Оҳангарон ш. 4-омбор-дўкон;
— Ангрен ш. 1-омбор-дўкон;
— Чирчиқ ш. 3-омбор-дўкон;
— Олмалиқ ш. 22-омбор-дўкон;
— Янгибозор қўрғони 2-омбор-дўкон;
— Олмазор қўрғони 11-омбор-дўкон;
— Нуробод ш. (ИЭС) 7-омбор-дўкон.

**Маълумот учун телефонлар:**

**Тошкент ш.: 152-11-34, 152-11-71, 152-11-75, 136-14-14.**

**Оҳангарон ш.: 5-63-53; Ангрен ш.: 2-61-58; Чирчиқ ш.: 2-24-68; Олмалиқ ш.: 5-35-45.**



# ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

# ҲУРМАТЛИ МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖЛИК ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

**Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилоят бошқармаси ҳамда Тошкент вилоят ҳудудий танлов комиссияси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 майдаги «Давлат мулки айрим объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул беришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 209-сонли қарорига мувофиқ Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналари ва паст ликвидли объектларни инвестор томонидан инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан бепул бериш бўйича танлов эълон қилади.

**Танлов ўтказилиш муддати** — **2004 йил 12 октябрь**
**Вақти** — **соат 11.00да**
**Ўтказилиш жойи** — **Тошкент вилоят ҳокимияти**

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй.

Танлов савдоларида барча нодавлат ҳуқуқий ва жисмоний шахслар, маҳаллий ва хорижий ишбилармон ва тадбиркорлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезедентлари қатнашишлари мумкин.

Танлов иштирокчиларидан аризалар ва ҳужжатлар тўпламларини қабул қилиш савдо кунидан уч кун аввал тўхтатилади.

**Танлов савдосида иштирок этиш шартлари:**

Танловда иштирок этишни хоҳлаган барча тадбиркорлардан уч мустақил қисмга эга бўлган алоҳида-алоҳида конвертларга муҳрланган ҳужжатлар тўплами, яъни:

А) Ариза ва ҳужжатлар тўплами
Б) Техник ишлаб чиқариш таклифларидан иборат ҳужжатлар тўплами;
В) Молиявий ҳужжатлар тўплами билан бирга қуйидаги ҳужжатлар тўпламини тақдим этиш талаб этилади:

1. Талабгорнинг тўлов қобилиятига эга эканлигини тасдиқловчи банк маълумотномаси (ёки банк кафолат хати)
2. Тақдим этилган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик фирмасининг хулосаси
3. Таклиф этилган инвестиция ҳажми ва унинг киритилиш муддатлари
4. Бизнес режа (тасдиқланган намунавий шаклда тайёрланган бўлиши лозим)

Конвертлар муҳрланиб (жисмоний шахслар имзолаб), белгиланган шаклдаги ариза билан Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилоят бошқармасига топширилади.

**Инвестиция мажбурияти шартлари билан бепул бериладиган давлат объектлари рўйхати:**

| т/р | Корхона ва объект номи | Жойлашган жойи (тум. шаҳ.) | танлов шартлари | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Ишлаб чиқариш бинолари ва ер майдонларини реструктуризация қилиш ёки тўлиқ мулкий мажмуа тарзида бериш тартиблари | Фаолият тури (сақлаб қолиш ёки сақлаб қолмаслик) | инвестицион мажбуриятнинг минимал миқдори ҳажми (млн. сўм) | инвестицион мажбуриятнинг бажарилиш муддати йил |
| 1. | «Ийк-ота» кундузги стационар биноси | Юқоричирчиқ тумани | тўлиқ мулкий мажмуа тарзида | Фаолият турини сақлаб қолиш | 5,0 | 1 йил |
| 2. | «Наврўз» болалар соғломлаштириш оромгоҳи | Оҳангарон тумани | тўлиқ мулкий мажмуа тарзида | Фаолият турини сақлаб қолиш | 20,0 | 1 йил |
| 3. | «Механизациялашган 2-сон кўчма колонна» давлат корхонаси (мулки) | Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Дўстлик қишлоғи | тўлиқ мулкий мажмуа тарзида | Фаолият турини сақлаб қолмаслик | 65,0 | 1,5 йил |

**Инвестиция мажбурияти шартлари билан бепул бериладиган давлат активлари рўйхати:**

| т/р | Корхона ва объект номи | Жойлашган манзили (тум. шаҳ.) | Устав фондидаги давлат активи фоизда | | танлов шартлари | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | жами | шу жумладан давлат улуши | Фаолият турини (сақлаб қолиш ёки сақлаб қолмаслик) | инвестицион мажбуриятнинг минимал миқдори ҳажми (млн. сўм) | инвестицион мажбуриятнинг бажарилиш муддати йил |
| 1. | «Пскент кино-видео» МЧЖ | Пскент шаҳар А. Темур, 117-уй | 70,98 % | 25 % | Фаолият турини сақлаб қолиш | 20,0 | 1,5 йил |
| 2. | «Ирригатор» МЧЖ | Тошкент вилояти, Паркент тумани, Ёшлик қишлоғи | 26 % | 26 % | Фаолият турини сақлаб қолмаслик | 35,0 | 1 йил |
| 3. | «Металлист» МЧЖ | Бекобод ш., Аббосова, 23. | 25 % | 25 % | Фаолият турини сақлаб қолмаслик | 50,0 | 1,5 йил |

**Танлов шартлари ва қўшимча маълумотлар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:**
**Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй. Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилоят бошқармаси тел: 132-06-76, 133-67-22, 133-78-75, 136-06-27.**

**«Саломатлик ва бахт пиллапоялари» – келгуси йили Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида соғлом турмуш тарзига бағишлаб чоп этиладиган тўпламни шундай деб аташга қарор қилинди.**

# Болаларга – саломатлик ҳақида

Бу ҳақда Ўзбекистон Болалар жамғармасида бўлиб ўтган учрашувда маълум қилинди. Унда республика жамоат ташкилотлари вакиллари, ёзувчилар, фоторассомлар, журналистлар иштирок этди.

Учрашувни Болалар жамғармаси бошқаруви раиси И.Юсупова бошқарди.

Мазкур китоб болаларга мўлжалланган. У қизиқарли бўлиши учун Ўзбекистон Болалар жамғармаси ва ЮНИСЕФ (БМТ Болалар жамғармаси) энг яхши шеърий, насрий асарлар ва фотосурат танловини эълон қилди. ЮНИСЕФнинг «Ҳаёт муҳофазаси бўйича далиллар» тўплами муаллифлар учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу тўплам дунёнинг қарийб 200 мамлакатида 213 тилда нашр этилган. Унда болалар учун ҳаётда, таълим ва соғлиқни сақлаш борасида яхшироқ имконият ва шароитлар яратишга қаратилган ахборотлар тўпланган.

Ҳам катталар, ҳам болалар қатнашиши мумкин бўлган танлов «Соғлом оила, соғлом турмуш, соғлом авлод» шиори остида ўтказилмоқда. Биринчи саралаш босқичи жорий йилнинг 20 ноябригача давом этади. Хорижлик экспертлар ҳам киритилган ҳайъат якуний босқич натижаларига кўра энг қизиқарли асарларни танлаб олади.

**ЎзА.**

# Навқирон Ўзбекистон

**Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида «Навқирон Ўзбекистон» мавзуида санъат фестивали очилди.**

Ватанимиз мустақиллигининг 13 йиллигига бағишланган мазкур тадбирнинг очилишида сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ёш истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилаётганини қайд этди.

Тадбир доирасида ташкил этилган кўргазмада юртимиз билим даргоҳларида таҳсил олаётган икки юз нафарга яқин ёш ижодкорнинг рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, дизайн, ёғоч ўймакорлиги, бадиий кулолчилик, кандакорлик, анъанавий миниатюра, заргарлик, тўқимачилик, гиламдўзликка оид асарлари намойиш этилмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ● Тақдимот



# Қалб амри билан

**Алишер Навоий номидаги кино саройининг ёзги биносида «Санъат-маъно» студияси ҳамда «Ал-рамзи» фирмаси билан ҳамкорликда яратилган «Қалблар тўлқини» фильмининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.**

Элбек Мусаев сценарийси асосида суратга олинган фильмга Бахтиёр Қосимов режиссёрлик қилган бўлса, Жаҳонгир Саидмуҳамедов продюссерлик вазифасини бажарди. Ундаги лавҳалар мамлакатимизда ва Бирлашган Араб Амирликларида суратга олинган.

Мусиқали мелодрама жанрида яратилган фильм қизиқарли воқеликларга бой. Инсон қалб амри билан яшаши лозим. Шундагина у бахт сари дадил одимлайди. Фильмнинг асосий ғояси шундан иборатдир.

**Ўз мухбиримиз.**

**Пойтахтдаги Миллий матбуот марказида янги бадиий фильм тақдимот маросимига бағишланган матбуот анжуманида киноасар ижодкорлари ва қаҳрамонлари билан учрашув бўлиб ўтди.**

# «Юлдузсиз осмон»

Ушбу фильм ёзувчи Муҳаммад Исмоил сценарийси асосида суратга олинди. Уни продюссер ва режиссер Рустам Саъдиев саҳналаштирган. Бош қаҳрамонлар ролини Учқун Тиллаев ва Заҳирахон Матёқубова ижро этишди. Руҳий драма жанрига мансуб ушбу фильмда хонанда Сарваранинг «Айб сендами, айб мендами?», «Озор», «Йўқ-йўқ», «Айрилиқ» каби қўшиқларидан фойдаланилган.

— Асар бугунги кун ёшлари, уларнинг ўй-хаёллари, турмуш тарзи ҳақида ҳикоя қилади, — деди Муҳаммад Исмоил. — Бош мавзу эса оиладир. Унда санъатда номим чиқсин деб, аёллик шаънига доғ туширган бир аёл қисмати очиб берилган.

**Хуршида НАЗАРОВА.**



*СУРАТДА: фильмдан лавҳа.*

## ● Бу қизиқ

# Цунами

Табиатда тўсатдан рўй берадиган энг даҳшатли ҳодисалардан яна бири — цунамидир. Цунами, асосан, кучли зилзила вақтида денгиз тубининг бирданига кўтарилиши ёки пасайишидан, шунингдек, сув ости ва соҳил вулқонлари отилишидан, сувга улкан массали жинслар қулашидан, баъзан эса, тайфунлар дастидан вужудга келадиган баҳайбат тўлқинлардир.

Ер шарида цунамиларнинг 95 фоизи материк ён бағрида ва океан чуқурликларидаги зилзила оқибатида содир бўлади. У японча сўз бўлиб «қўлтиқдаги улкан тўлқин» деган маънони билдиради. Цунами жуда ҳалокатли бўлиб, катта кўламдаги вайронагарчиликларга, кўплаб қурбонларга сабаб бўлади. Цунами тўлқинлари атрофга соатига 750-1000 километргача тезликда тарқалади, тўлқинлар қўлтиқда 15 метрдан 30 метргача баландликка кўтарилади.

1946 йил 1 апрелда Гавай оролларига ёпирилган цунами 173 кишининг ёстиғини қуритиб, 25 миллион доллар миқдорида зиён етказгандан сўнг АҚШда ҳам Цунами хизмати ташкил этилди. Японияда эса бу иш билан метеорология хизмати шуғулланади.

**Даврон АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.**

# Уйланмагансиз-да билмайсиз...

## Ҳажвия

— Ҳой! Болани урма-э! Бола кўр қилгур... Баққа кел, болажон, йиғлама, садқаи кўз ёшинг кетсин. Ма, шоколад. Ҳа, баракалла. Бор энди ўйна... Ҳе, ўша падари қусур!..

— Тинчликми, қўшни, кимни уришаяпсиз?

— Кўрмайсизми ана у сўлоқмонни. Болани зор қақшатиб, чирқиллатиб... Ҳа, ўша сени... Бир хиллар бунинг тирноғига зор-у... Билмайдики, бола-чақанинг турган-битгани тилсимот.

— Бола-чақани тилсимот дедингизми?

— Тилсимот бўлганда қандоқ. Хайрият дунёда бола-чақа бор, бўлмаса аллақачон... Э, яхшиси, қўшни, буёққа чиқинг, сизга айтадиган гаплар бор... Қани, чойдан олинг. Ука, энди раҳбар одам бўлсангиз ҳам, ҳали ғўрлигингиз бор экан. Мен сизга айтсам, ҳозир ҳамма нарса бола-чақага боғланиб қолган...

— Йўғ-е?

— Ҳа-да! Халиям тушунмаганга ўхшайсиз-а? Келинг, яхшиси мен бир бошдан ҳикоя қилай, сиз эса дўппини олиб, айтадиган гапларимга ҳукмни ўзингиз чиқаринг...

— Хўш-хўш, эшитайлик-чи...

— Кеча денг, оқшом пайти бекатда автобус пойлаб турувдим. Кечки пайт эмасми, одам деганингиз ғужғон ўйнайди. Осмонда юлдузлар ҳам «қалай, совуқ эмасми?» деб кўз қисишгандай пирпирашарди. Ҳамманинг кўзини нигорон, дилини хуфтон қилиб турган нарса — «анқонинг уруғи» бўлиб қолган автобус кўринмасинми! Бу автобус деганининг дийдори бунчаям иссиқ бўлмаса? Металлар оҳанрабога қандай тортилса, одамлар ҳам худди шундай тезликда автобусга ёпирилдилар... Сиз-чи, дейсизми? Бе, биз ҳам қараб турармидик. Билагида кучи бор йигитлардан эмасмизми, бирини уёққа, бирини буёққа суриб, биринчилар қаторида олдинги эшигидан автобусга чиқиб олдим, денг. Томошанинг зўрини ана шунда кўринг эди-да. Кимдир кимнидир сўккан, ёш болалар биғиллаган, ишқилиб, ажиб бир қиёмат.

Шофёр йигит одамларга бир қараб олади-да, баланд товуш билан дейди:

— Акалар! Автобусда билет сотилмайди. Тушаётганларингда марҳамат қилиб юз эллик-икки юз сўмдан ташлаб кетасизлар...

— Ия, бу қанақаси бўлди, — норози оҳангда сўради ёнимдаги бир одам.

Шофёр йигит биз томонга ўгирилди-да, хира лампочка ёруғида кумуш тишларини ялтиратиб деди:

— Тушунасиз-ку, биродар, ахир биздаям... бола-чақа дегандай... ҳи-ҳи-ҳи...

Ҳалиги одам тўсатдан тилини тишлаб олгандай жим бўлиб қолди.

Манзилга етгач, шофёрга «бола-чақаси» учун юз эллик-икки юз сўмдан тўлаб тушдик. Бир оз юрган эдим қорин «қулдур» этиб кетди – демак қорин оч. Қачон қорним очса шунақа қулдурайди денг. Уйда овқатланай десам, кеннойингиз туғруқхонада. Бирон нарса тамадди қилиб олай деб, яқинроқдаги кафега кира қолдим. Ҳеч нарсаям еганим йўқ — бир коса ош билан бир стакан компот буюргандим. Овқатланиб бўлгач, официантка олдимга счётни ташлади: 900 сўм.

— Ия, бу қанақаси, — дедим жаҳлим чиқиброқ, — менинг ҳисобимда 700 сўмдан ошмас эди-ку!

— Қизишманг, опўси... — официантка эшилиб қулоғимга пичирлади. — Ахир, биздаям бола-чақа дегандай... ҳи-ҳи-ҳи...

— Э, бўлди-бўлди, — дедим чиройим очилиб, — мени кечирасиз, қаранг, шунга ҳам фаҳмим етмабди... Мана минг сўм, қайтими ҳам керакмас, ишқилиб бола-чақа омон бўлсин.

— Ана кўрдингизми, биродар, бола-чақанинг тилсимлигини. Мана бунга ўхшаган аҳмоқлар эса болани уриб юрибди. Ҳозир бола-чақани ўртага тиқмаса бир нарсани битириш қийин. Ҳали уйланмагансиз-да, билмайсиз...

— Шундай денг?..

— Ҳа-да, қўшнижон. Энди мен ҳам бекорга ярим соатдан бери сизга бир нарсаларни жовраётганим йўқ. Яна қулоққа айтиладиган жиндаккина гап бор.

— Бажонидил... Нима гап экан?

— Мана, катта бир корхонанинг эгасисиз. Энди бир укалик қилиб, буфет-муфетчилигинимни тўғрилаб берсангиз дегандим, а лаббай?!

— Ҳозирги ишингиз бинойидай, шекилли...

— Бе, ойлигининг чўғи хира. Сизларда эса пичоқ мой устида... Энди ука, бош чайқаманг. Бекорга илтимос қилаётганим йўқ. Ахир, ўзингиз биласиз, биздаям, бола-чақа дегандай, ҳи-ҳи-ҳи...

**Муҳаммад ОЧИЛОВ.**

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 13-кечки ўрта мактаб томонидан 1993 йилда Ҳасанов Диёр Ўткурович номига берилган АУ 324772 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Ўртачирчиқ парранда» ҳиссадорлик жамияти жамоаси жамият директори Мираъзам Мирпўлатович Мирсоатовга падари бузруквори
**МИРПЎЛАТ ХОЖИ ота**нинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент вилояти Архив иши бошқармаси жамоаси Тошкент вилояти Давлат архиви Олмалиқ филиали директори
**Зубарзият Маҳмудовна КАРИМОВА**нинг
вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси жамоаси қўмитанинг бош мутахассиси Абдурашид Ғофуровга волидаи муҳтарамаси
**ЗЕБИ ая ҒОФУРОВА**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

*Телефонлар:*
*Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48.*
*Эълонлар: 133-70-10, 136-53-54.*

*Манзилимиз:*
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1049. Адади 5863. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3. *Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.*

***"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.***

Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. ' 2 3 4 5 6